ҚҲММБ: 09/20/520/1231-сон
28.08.2020 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 27 » август № 520 Toshkent sh.

Республикада тез ўсувчи ва саноатбоп павловния дарахти плантацияларини барпо қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада ҳунармандчилик, қурилиш материаллари, ёғоч ва ёғоч қириндили хомашё ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мебель саноатида ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, импорт ҳажмини кескин камайтириш, шунингдек, аҳолини муқобил энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг республика бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метрдан пастда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида павловния плантацияларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

Республика бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метрдан пастда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2020-2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2020-2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этиш учун талаб қилинадиган кўчатлар миқдорининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари талабгорларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари ҳамда ўрмон фондига қарашли ерлардан – ўрмон билан қопланмаган ер участкалари павловния етиштириш учун ижара ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

ҚҲММБ: 09/20/520/1231-сон
28.08.2020 й.

Белгиланснки:

ёғоч ва ёғоч қириндили хомашё ишлаб чиқаришни етарли хомашё билан таъминлаш, мебель ва пеллет ишлаб чиқариш саноати самарадорлигини ошириш мақсадида павловния плантацияларини барпо этиш учун ҳар бир лойиҳага 100 гектардан кам бўлмаган ер майдони ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа олимларини жалб қилган ҳолда, павловния дарахтининг биологик хусусиятидан ҳамда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, павловния плантацияларини ташкил этиш бўйича илмий тавсиялар беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда ўрмон хўжалиги ерларини хатловдан ўтказсин ва павловния плантацияларини электрон хариталарга жойлаштирсин;

Тошкент давлат аграр университети ва бошқа илмий муассасалар билан биргаликда республикада илм-фан ва инновацион технологияларга асосланган уруғсиз, стерил дурагай кўчатларини *in-vitro*, қаламча ва бошқа вегетатив усулларда тайёрлаш ва кўпайтириш бўйича бир ой муддатда тавсиялар ишлаб чиқиб, ўзларининг веб-сайтларида жойлаштиришни таъминласин.

5. Ўзбекистон Асаларичилари уюшмасига павловния плантацияларида сифатли асал етиштириш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда павловния дарахти плантацияларини ташкил этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, ушбу лойиҳа таклифларига белгиланган тартибда хорижий ва маҳаллий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. “Ўзстандарт” агентлиги:

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси павловниядан олинадиган қурилиш материаллари маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш, стандартлаштиришни ва сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда, павловния ёғочи ва ёғоч қириндиси импортининг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб:

ҚҲММБ: 09/20/520/1231-сон
28.08.2020 й.

павловния дарахти плантацияларини барпо қилиш, кўчатларини етиштириш, ундан қурилиш материаллари ва мебель саноатида ёғоч ва ёғоч қиринди хомашёси сифатида, тиббиётда ҳамда ободонлаштиришда фойдаланиш муаммолари билан боғлиқ илмий-тадқиқот, инновация ишлари ҳамда стартап лойиҳаларини шакллантириш бўйича илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида белгиланган тартибда танловлар ўтказиш;

ҳар йили ўтказиладиган инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида павловния дарахти ва ундан олинган маҳсулотлар намуналари билан ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ва фермерларни кенг миқёсда таништириш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/520/1231-сон
28.08.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" августдаги 520 - сон қарорига
1-илова

Республика бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метр чуқурликда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2020-2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари

гектар

Т/р	Ҳудудлар	Жами		шундан, йиллар бўйича:									
				2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил		2024 йил	
		Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида
1.	Андижон	700	106	-	15	105	18	140	22	210	24	245	27
2.	Бухоро	-	36	-	5	-	6	-	7	-	8	-	10
3.	Жиззах	300	76	-	10	30	12	60	16	90	18	120	20
4.	Қашқадарё	-	110	-	15	-	18	-	23	-	25	-	29
5.	Навоий	-	38	-	5	-	6	-	8	-	9	-	10
6.	Наманган	500	145	-	20	100	24	120	30	130	33	150	38
7.	Самарқанд	500	148	-	21	75	25	100	30	150	33	175	38
8.	Сурхондарё	-	70	-	10	-	12	-	14	-	16	-	18
9.	Сирдарё	300	31	-	4	30	5	60	6	90	6	120	10
10.	Тошкент	1 000	132	-	20	150	24	250	32	300	26	300	30
11.	Фарғона	700	108	-	15	105	18	140	22	210	25	245	29
Жами:		**4 000**	**1 000**	**-**	**140**	**595**	**168**	**870**	**210**	**1180**	**223**	**1355**	**259**

ҚҲММБ: 09/20/520/1231-сон
28.08.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" августдаги 520 - сон қарорига
2-илова

2020-2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этиш учун талаб қилинадиган кўчатлар миқдорининг прогноз кўрсаткичлари

минг дона

Т/р	Ҳудудлар	Жами		шундан, йиллар бўйича:									
				2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил		2024 йил	
		Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида	Захира ерларда	Ўрмон фонди ерларида
1.	Андижон	523,3	79,2	-	11,2	78,5	13,5	104,7	16,4	157,0	17,9	183,1	20,2
2.	Бухоро	-	26,9	-	3,7	-	4,5	-	5,2	-	6,0	-	7,5
3.	Жиззах	224,3	56,8	-	7,5	22,4	9,0	44,9	12,0	67,3	13,5	89,7	15,0
4.	Қашқадарё	-	82,2	-	11,2	-	13,5	-	17,2	-	18,7	-	21,7
5.	Навоий	-	28,4	-	3,7	-	4,5	-	6,0	-	6,7	-	7,5
6.	Наманган	373,8	108,4	-	15,0	74,8	17,9	89,7	22,4	97,2	24,7	112,1	28,4
7.	Самарқанд	373,8	110,6	-	15,7	56,1	18,7	74,8	22,4	112,1	24,7	130,8	28,4
8.	Сурхондарё	-	52,3	-	7,5	-	9,0	-	10,5	-	12,0	-	13,5
9.	Сирдарё	224,3	23,2	-	3,0	22,4	3,7	44,9	4,5	67,3	4,5	89,7	7,5
10.	Тошкент	747,5	98,7	-	15,0	112,1	17,9	186,9	23,9	224,3	19,4	224,3	22,4
11.	Фарғона	523,3	80,7	-	11,2	78,5	13,5	104,7	16,4	157,0	18,7	183,1	21,7
Жами:		**2990,0**	**747,5**	**-**	**104,7**	**444,8**	**125,6**	**650,3**	**157,0**	**882,1**	**166,7**	**1012,9**	**193,6**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3